



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 15 октябрь, № 210 (8833)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ — САНОАТ РИВОЖИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИДА МУҲИМ ОМИЛ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни бунёдкорлик ишлари, аҳоли ҳаёти ва янги лойиҳалар билан танишиш мақсадида Тошкент вилоятининг қатор туманларида бўлди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент туманига ташриф буюрди.

Илгари бу ернинг маркази йўқ эди. Келес йўли кўчаси бўйлаб янги бино ва мажмуалар қад кўтаргач, худуднинг қиёфаси тамоман ўзгарди. Хусусан, ушбу бош кўча кенгайтирилган ҳолда қайта қурилди. Унинг икки тарафида Давлат хизматлари маркази, Ёшлар маркази, маданият саройи, амфитеатр, универсал спорт мажмуаси, хотира майдони ва сайилгоҳ каби кўркам иншоотлар барпо этилди.

Эски, пасткам уйлар ўрнида 41 та кўп қаватли тураржой қурилди. Энди улардаги 2 минг 536 та хонадонда 11 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Бу уйларнинг ертўла ва биринчи қаватида савдо, умумий овқатланиш, маиший ва моливий хизматлар бўйича 270 та шохобча ташкил қилинмоқда. Уларда 1 минг 350 киши, жумладан, шу ерлик ёшлар ва аёллар ишли бўлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Реновация лойиҳасида ижтимоий инфраструктурага катта эътибор қаратилди. Марказий шифохона, туманлараро перинатал марказ, болалар боғчаси, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази, туман тарихи музейи ишга ту-

ширилди. Ўзгаришлар фақатгина туман марказида эмас. Худудда яқин-яқингача ичимлик суви муаммо эди. Осиё тараққиёти банки маблағлари ҳисобидан 4 та хавза қурилиб, 365 километр қувур тортилди. Натижада 36 та маҳалла аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Охириги уч йилда туманда 218 километр ички йўллар таъмирланиб, асфальт ётқизилди. Бундай ишлар яна давом этмоқда.

Шу ерда Тошкент туманида тadbиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва камбағалликдан чиқариш масалалари юзасидан мутахассисларнинг ҳисоботи эшитилди. Жорий йилнинг 6 ойида туман иқтисодий-ти 23 фоиз ўсган. Янги қурилишлар ва улардаги корхоналар негизда солиқ мабраси кўпайган. Тошкент туманида 70 та маҳалла, 62 мингта оила бор. Аҳоли оғир бўлган 372 та оилга кўмаклашиш учун масъуллар бириктирилиб, чоралар белгиланган.

Режадаги лойиҳалар, бандлик ҳамда тadbиркорлик дастурлари доирасида йил якунига қадар 34 минг 443 та иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Президент хонадонлардаги имкониятлари юзасига чиқариш, тadbиркорларнинг камбағал оила вакиллари ишга

олишини рағбатлантириш бўйича топшириқлар берди.

— Тошкент тумани пойтахтимизнинг ёнгинасида. Бу ерда уй-жой, ишлаб чиқариш, тижорат, хизмат бўйича жуда катта имкониятлар бор. Иш тўғри ташкил қилинса, ўзи бу туманда камбағалчилик бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун иқтисодий комплексга, маҳаллаларга бераётган имкониятлардан фойдаланиб, камбағалликдан фаровонлик сари юриш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент туманида йил якуни билан қарийб 53 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига саноатда ўсиш суръати 9 фоиз, хизмат кўрсатишда 13 фоиз бўлиши кутилмоқда. Экспорт ҳажмини 100 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Зангиота туманидаги "Technologies of real time" Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонасига борди.

Автомобилсозлик мамлакатимиз саноатида йirik тармок. Сўнгги йилларда автомобиль ишлаб чиқариш қарийб 3 баробар кўпайиб, жорий йил якунида 460 минг донага етиши кутилмоқда. 2030 йилгача бу кўрсаткични 1 миллионга етказиш режалаштирилган.

Соҳада монополияни йўқ қилиш ва рақобатни ривожлантириш мақсадида 2 та янги хусусий корхона ва нуфузли хорижий брендлар жалб этилди. Умуман, бугун 20 дан зиёд заводларда ўнлаб турдаги автомобиллар, юк ва йўловчи ташуш транспортлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шу боис тармокда эҳтиёт қисмларга ҳам талаб кўп. Бу борада 300 дан зиёд корхоналар яхлит кооперацияга боғланган. Зангиотадаги "Technologies of real time" шулардан бири.

Президент 2019 йилда "Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган халқаро саноат ярмаркасида мазкур корхона маҳсулотлари билан танишиб, зарур кўрсатмалар берган эди. Шу асосида модернизация ишлари амалга оширилди. Корхонадаги 12 та цехга Хитой, Россия, Корея Республикаси, Япония ва АҚШдан келтирилган ускуналар ўрнатилди. Бугунги кунда 118 хил русумдаги автомобилларнинг юриш, трансмиссия ва бошқарув тизимлари учун 750 дан ортқ турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Кўп деталлар маҳаллийлаштирилгани ҳозирча маъқул. Мутахассислар зўр бўлса, сифат ҳам, экспорт ҳам ошадди, — деди Президент.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга корхонада эҳтиёт қисмлар қаторини кенгайтириш бўйича топшириқ берилди.

Бу ерда 220 та иш ўрни яратилган. Ходимлар корхонада йўлга қўйилган мономарказда ўқитилиб, ишга қабул қилинади. Маҳсулотлар буюртма асосида Ўзбекистон бўйлаб етказиб берилади. Хусусан, "Uzauto Motors"нинг Хоразм вилоятидаги заводига "Damas" ва "Labo" автомобиллари учун 773 минг дона эҳтиёт қисмлар етказиб берилган.

Товарларни техник текширув ва синовлардан ўтказиш учун замонавий лаборатория ташкил этилган. Корхона маҳсулотлари IATF 16949:2016, ISO 9001:2015, ISO 45001:2020 ҳамда "General Motors"нинг BQ халқаро сифат сертификатларига эга.

Шу боис уларга хорижда ҳам талаб бор. Хусусан, ўтган йили Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Россия, Украина, Бирлашган Араб Амирикларига 3 миллион долларлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилган. Жорий йилнинг тўққиз ойида 2 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилинган.

Шунингдек, корхона Германия,

Бирлашган Араб Амириклари, Хитой ва Россияда бўлиб ўтадиган халқаро кўргазмаларда иштирок этиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари заводдаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, мутахассислар билан мулоқот қилди. Корхона шоурумида тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Шу ерда келгуси режалар ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, 2025 йилда 1,15 миллион долларлик инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Натижада "BYD", "Chery", "Changan", "Geely", "Dongfeng" каби янги автомобиль брендлари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Лойиҳа самарасида 43 та иш ўрни яратилади, ишлаб чиқариш қувватлари 180 мингдан 280 минг донага етказилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташрифи чоғида Янгийўл туманидаги "Тинчлик" кичик саноат зонасида бўлиб, қатор корхоналар фаолияти билан танишди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ИККИ ТОМОНЛАМА КУН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

14 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Президентимиз Туркменистон етакчисини шoir ва мутафаккир Махтумқули Фироғийнинг 300 йиллик юбилейига бағишланган халқаро форум муваффақиятли ўтказилгани билан яна бир бор табриклади ҳамда Ашхобод шаҳрида кўрсатилган самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Яқиндаги учрашувда эришилган келишувлардан келиб чиқиб Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти ва Туркман халқининг миллий етакчиси бўлажак тadbирлар режасини ҳам муҳокама қилдилар.

Ў.А.

Махтумқули ўзбекнинг ҳам шоири

Марказий Осиёда ўзаро ҳамжихатлик ва ҳурмат, яқин қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги мутлақо янги сиёсий муҳит мустаҳкамланиб бормоқда. Умумий мақсад — минтақани фаровон ва барқарор ривожлантириш маконга айлантириш. Айтиш жоизки, биргаликдаги сaъй-ҳаракатлар туфайли кейинги йилларда Марказий Осиёда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Кўплаб масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилди.

Мушоҳада

Марказий Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик худудига айланишидан бевосита манфаатдор. Президентимизнинг 10-11 октябрь

кунлари амалий ташриф билан Туркменистонда бўлиши ва туркман халқининг буюк шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғийнинг 300 йиллик тантаналаридаги иштироки ана шу тамойилларга сadoқатнинг яна бир намоиши бўлди.

Ўзбеклар ва туркманлар биродар

халқлар экани ҳеч кимга сир эмас. Халқларимизнинг анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзи ўхшаш. Улар фақат умумий тарих, маданият, анъана ва узоқ асрлик дўстлигини ўз ичига олган қўшнилар эмас, балки қалбдан яқин, қардош халқлардир. Жумладан, Махтумқулининг "Намасан?", "Айрилдим", "Ошиқ бўлмишам", "Устодингдан айрилма", "Кўринг" сингари шеърлари Комилжон Отаниёзов, Бобомурод Ҳамдамов, Ортиқ Отажонов каби ардоқли ўзбек санъаткорлари томонидан маромига етказиб ижро этилгани ва халқимизнинг қон-қонига сингиб кетгани бунинг бир исботи.

➡ 4

ЭЛЕКТРОН ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ СИНАБ КЎРИЛАДИ

Мамлакатимизда муҳим сиёсий тadbир — Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига 2024 йил 27 октябрда бўлиб ўтадиган сайловларга қизгин ҳозирлик қўрилмақда. Сайлов қонунчилиги нормалари ва Марказий сайлов комиссиясининг сайловни ўтказиш билан боғлиқ календарь режасига мувофиқ барча тadbир ва жараёнлар белгиланган муддатларда босқичма-босқич ўтказилиши таъминланмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида тажриба-синов тариқасида айрим сайлов участкаларида электрон овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини онлайн тарзда видеотрансляция қилиш бўйича чора-тadbирларни белгилаш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қузатувчиларини аккредитациядан ўтказиш, сайлов кампанияси давомида келиб тушган мурожаатларни қўриб чиқиш, шунингдек, Андижон ва Хоразм вилоятларида сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Мажлис давомида сайловчиларга янада қулайликлар яратиш мақсадида мамлакатимиз тарихида илк мартаба айрим сайлов участкаларида сайлов куни электрон овоз бериш тартибини синовдан ўтказиш масаласи кўриб чиқилди.



Жорий йилги сайловларда синов бериши режалаштирилган электрон овоз бериш қурилмаларидан 37 та хорижий давлатда (АҚШ, Германия, Буюк Британия, Италия, Бразилия, Сингапур, Австралия ва б.) фойдаланилган бўлиб, улар орқали шу кунга қадар 6,5 млрд.дан ортқ сайловчилар овоз беришган.

Таъкидлаш керакки, электрон овоз бериш тартиби овоз бериш ва сайлов натижаларини тезкор аниқлаш, овоз бериш жараёнларининг қонунийлигини таъминлаш, сайлов комиссияларининг иш ҳажмини мақбуллаштиришга хизмат қилади.

➡ 2

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номидан «Янгиликка асосланган либерал ғоялар — тараққиёт таянчи» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

ЯНГИЛИККА АСОСЛАНГАН ЛИБЕРАЛ ҒОЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ



Мамлакатимизда кейинги саккиз йилда янги Ўзбекистонни барпо этиш, учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, инсон ва унинг қадри юксалди. Бугунги кунда миллиати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча имкониятни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий

баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим ва ажралмас бўғинига айланган, кучли иқтисодиётга эга бўлган давлатни барпо этишга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида мамлакатнинг барқарор тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлаш учун адолатли

ва замонавий давлат барпо этиш, аҳоли учун қулай атроф-муҳит яратиш, шунингдек, ташқи сиёсатда иқтисодий дипломатияни кучайтириш муҳим йўналишлар сифатида белгиланган. Адолатли бошқарув тизими фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилса, қулай атроф-муҳит уларнинг ҳаёт сифатини оширади. Бундан ташқари, иқтисодий дипломатияни кучайтириш орқали Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи мустаҳкамланади ва давлатнинг ривожланиши учун янги имкониятлар яратилади. Партия бу йўналишларнинг ўзаро боғлиқлигини эътироф этган ҳолда, халққа хизмат қилишни устувор вазифа сифатида кўриб, мамлакатимизнинг барқарорлиги ва халқаро майдондаги муваффақиятига катта аҳамият қаратмоқда.



ларини яратиш нуктаи назаридан O'zLiDeP қатор масалаларни ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Бу борада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида **сув ҳўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг** асосларини жорий этиш даркор. Чунки сув ресурслари муаммоси келгуси ўн йилликларда минтақамиз ва мамлакатимиз учун энг долзарб масала бўлиб қолади.

Бугунги кунда 70 фоиз ерлар эски усулда суғорилмоқда, 60 фоиз каналлар бетонланмагани оқибатида йилга 16 миллиард метр куб сув йўқотилмоқда. Шу сабабли беш йил ичида барча экин майдонларида сув тежайдиган технологияларни жорий қилган фермер ва деҳқонлар харажатининг 50 фоизини қоплаб бериш айни мудоаодир.

Партия қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Яъни фуқаролар экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳит зарарланишига йўл қўймаслик мақсадида барча қишлоқ ва шаҳарларни қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш хизматлари билан тўлиқ қамраб олиб, уларни қайта ишлашни камида 65 фоизга етказишни режалаштирганмиз.

Экология соҳасидаги ишларни ташкил этиш борасида ҳуқуқий ва ташкилий асослар замон талабидан келиб чиқиб тақомиллаштирилиши зарур деб ҳисоблаймиз ва барча ҳудудда атмосфера ҳавосини яхшилаш бўйича **“Мусаффо ҳаво — 2030 миллий дастури”**ни қабул қилишни устувор вазифа деб биламиз.

Атроф-муҳитга зарарли ташламаларни қисқартириш ҳамда инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини камайтириш зарур. Шу боис O'zLiDeP кўмир, мазут каби энергия манбаларининг атроф-муҳитга зарарини камайтириш мақсадида уларнинг ўрнига босқичма-босқич **экологик тоза геотермал ва бошқа қайта тикланувчи энергия** турларини кенг йўлга қўйишни режалаштирган.

Оролбўйи минтақасига бирламчи эътибор қаратган ҳолда денгизнинг қуриган тубида **қўшимча 500 минг гектар яшил майдонларни** барпо этиб, уларнинг умумий ҳажмини **2,5 миллион гектарга** етказамиз ёки ҳудуднинг 78 фоизини қамраб оламиз. **“Яшил макон”** умумимиллий лойиҳаси қармоқини янада ошириш учун йилга **400 миллиард сўм ажратилиши** аҳоли масканларида экологик муҳитни яхшилашга хизмат қилади. Шу маънода, давлат идоралари, корхоналар, олий таълим муассасалари ҳам ўз боғларини ташкил қилиши, янги ўй-жой қуришда пудратчиларга **“Яшил ҳудуд”** ва **автотузаргоҳ барпо этиш мажбурий этиб белгиланиши зарур**, деб биламиз. Мамлакатимизда яшил майдонлар, дарахтзорлар, гулзорларни 30 фоизга етказишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шаҳарлар ва улар атрофларида **“Яшил белбоб”лар** барпо этиш чораларини кўрамиз.

“Яшил” иқтисодиёт қўламини кенгайтириш ва “яшил” усиш орқалигина барқарор тараққиётни таъминлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Республикамизда **қайта тикланувчи энергия манбаларини 2,5 баробарга** ошириб, ишлаб чиқарилган энергияда уларнинг улушини 40 фоизга етказамиз. “Яшил” технологияларни кенг қўллаш, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришда ёпиқ цикли технологиялардан фойдаланишни ривожлантирамиз.

Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларини кенг жамоатчиликка етказиш борасидаги ишларни жадаллаштириш партиянинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.

O'zLiDeP Сайловолди дастурида хориждаги ватандошларимиз билан ҳамкорлини мустаҳкамлаш ва мигрантлар ҳуқуқларини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, хориждаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлаб, уларнинг юртимиз тараққиётида фаол иштирок этишлари учун зарур шароитларни яратамиз. Улар ўртасида она тили, миллий маданият ва аънаъаларни тарғиб этиш бўйича тизимли чоралар кўрамиз.

Ташқи меҳнат миграцияси тизимини ислох қилиб, хорижга ишлаш учун бораётган фуқароларимизни касбга ва чет тилларига ўқитиш қўламини кенгайтирамиз. Хорижда ишлаб юрган юртдошларимизнинг, аввало, Ўзбекистонда ишлаб, муносиб иш ҳақи олишлари учун имконият яратамиз.

Мураккаб вазиятга тушиб қолган юртдошларимизга ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштирамиз. Шунингдек, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларига доимий гамхўрлик қилиш ва ижтимоий сўғурта тизимини тақомиллаштириш бўйича чоралар кўрамиз.

O'zLiDeP Ватан равнақи йўлидан ортга қайтмайди. Бу борадаги синов ва машаққатларни электрат манфаати учун енгиб ўтати ҳамда ҳамиша халқ билан бирга бўлади! Номзодларимизга овоз беринг!

Мухтасар айтганда, O'zLiDeP Сайловолди дастурига киритилган мазкур тақлиф-ташаббуслар она табиатимизни келажақ авлодларга безавол етказишга хизмат қилади.

Самарали иқтисодий дипломатия — очик, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат ғарови

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида барча соҳада **узоқ ва яқин давлатлар билан дўстлик** алоқалари ва ўзаро ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Буни кун сайин кўпайиб бораётган чет эл капиталли эвазига қурилаётган қўшма корхоналар, илмфан, маданият, санъат, туризм соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларидан ҳам сезиш қийин эмас. Зеро, янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириши белгиланган.

Партиямиз янги Ўзбекистон ташқи сиёсати **фақат халқимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилиши зарур**, деган қатъий позицияда.

Биз узоқ ва яқин давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқалар ва ҳамкорлики ана шу таъмоийл асосида ривожлантириш тарафдоримиз.

Биз очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат давом эттирилишига хайрхоҳимиз.

Партия ташқи сиёсатда **қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик** муносабатлари жадал ривожлантирилишида барча имкониятини ишга солади.

Партиямиз мамлакатимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ташаббуслари халқаро майдонда фаол илгари сурилади. **Марказий Осиёда** турли йўналишлар, айниқса, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги амалий ҳамкорлиқни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, стратегик ҳамкорларимиз билан янги форматдаги амалий алоқалар мустаҳкамланишини фаол қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш мақсадида иқтисодий ривожланишнинг хозирги босқичини инобатга олган ҳолда янги инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур. Бу борадаги вазифаларни самарали амалга ошириш учун партия **иқтисодий дипломатияни фаоллаштириш** долзарб аҳамиятга эга эканини эътироф этади.

Партия инвестиция ва инновацияларни кенг жалб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва Ўзбекистон имижини фаол тарғиб этиш барча дипломатик ваколатхоналаримизнинг **асосий вазифасига** айланиши керак, деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, аънаъанвий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни кучайтириш биз учун муҳим вазифалардан саналади.

Qudratli Yangi O‘zbekistonni birgalikda quramiz!

Халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этамиз

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилишнинг мутлақо янги тизими қарор топди. Давлат аппаратининг институционал тизими қайта кўриб чиқилиб, уни оптималлаштириш, самарадорлигини ошириш бўйича муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Давлат хизматларини кўрсатиш тизимига инновацион ёндашувлар жорий этилди.

Давлат ва жамият бошқаруви тизимини тақомиллаштириш, очик фуқаролик жамияти, қонун устуворлиги ва одил судловни таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ушбу ислохотларни қатъий давом эттириш бугунги кун талабидир.

Авваламбор, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш барча давлат органлари фаолиятининг энг устувор йўналиши бўлиши керак, деган қатъий таъмоийилга таяниш **асосий вазифа**миз бўлади.

Биз бюджет ташкилотлари харажатлари шаффофлигини таъминлашда парламент ва маҳаллий Кенгашлар олдидидаги ихроия органлари ҳисобдорлигини кучайтириш тарафдоримиз. Маҳаллий Кенгашни **халқнинг чинакам овозига айлантириш ва ҳокимларнинг Кенгаш олдидида ҳисобдор** бўлиши, масъулияти ва жавобгарлиги ошишини таъминлайдиган тизимни мустаҳкамлаймиз. **Ҳоким ва маҳаллий Кенгашнинг** жавобгарлик доираси ва аник вазифалари белгиланади. Маҳаллий Кенгашлар фаолиятига оид **500 дан** ортик қонунчилик ҳужжатлари тизимлаштирилади.

Партиямиз кейинги беш йилликда қонунчилик, ҳуқуқчи қўллаш амалиёти таҳлили ва илғор хорижий тажриба асосида **нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида қонунчиликни** тақомиллаштириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашда **маҳаллани** жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги **“кўприк”**ка айлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Маҳаллаларни **“бир қадам”** таъмоийли асосида фуқароларнинг аксарият масалаларини ҳал этадиган масканга айлантирамиз. Бундан ташқари, аҳоли турмушини янада яхшилаш мақсадида **“Ташаббусли бюджет”**га бериладиган маблағларни **3 карра** ошириш каби масалаларни илгари сурамиз.

Янги Ўзбекистонда бундан 8 йил олдин бошланган ва изчил давом этаётган қонун устуворлиги, одил судлов ва адолат принципларини ҳаётга янада кенг татбиқ этишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Биз янги Ўзбекистонда фуқаролар ва бизнеснинг ҳимоячиси фақат қонун ва суд бўлишини истиъмиз. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиб, одил судловга эришиш учун барча имкониятни сафарбар этамиз.

O'zLiDeP суд мустақиллиги тарафдори бўлган сиёсий куч сифатида мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган изчил ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Лекин айрим партиялар томонидан айни йўналишда илгари сурилаёт-

ган тақлифлар мақсадга етишни ортга суриши мумкин. Масалан, **Халқ демократик партияси ўртага ташлаётган вилоят, туман (шаҳар) судлари раисларини ротация қилиш амалиёти**ни жорий этиш ташаббуси судлар мустақиллигига бевоқиф таъсир қилади. Яъни мамлакатимизда нафақат судлар, балки судьялар ҳам мустақилдир. Уларнинг ротациясини амалга ошириш янги таҳрирдаги Конституциямизда белгиланган судьялар мустақиллиги, фақат Конституция ва қонунга бўйсунушларига оид нормага мантқан тўғри келмайди. Судья мустақил бўла туриб, вилоят, туман (шаҳар) судлари раисларини ротация қилишдан қандай маъно бор?



Улар фақат Конституция ва қонунга бўйсунмади.

Биз илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, қонунчиликни қўллашда муайян суд иши бўйича чиқарилган суд ҳужжатини бошқа шу турдаги ишларга қўллаш имконини берувчи **“суд прецеденти ҳуқуқи”**ни амалиётга жорий этиш айни мудоао, деб ҳисоблаймиз.

Суд прецедентини қўллашнинг қатор афзалликлари мавжуд.

Биринчидан, суд қарорлари сифатини ошириб, адолатни таъминлашга хизмат қилади. Суд амалиётида бир низо турли суд ишларида турлича баҳолашни, ҳатто бир суд иши биринчи инстанцияда бошқача баҳолашиб, кейинги инстанцияда бошқа натижа билан яқунланиши ҳолатлари ҳам учраб туради. Бунинг сабаби суд қарорини чиқаришда инсон омилининг таъсири, айрим ҳолларда субъективликка йўл қўйилишидир. Суд прецеденти амалда бўлса, ўқшаш низолар ўқшаш ечим топади. Бу ечим ҳам оқилона, ҳам пухта асосланган бўлади.

Иккинчидан, низоларни суд йўли билан ҳал қилишда шаффофлиқни таъминлайди. Суд прецеденти ўзига хос намунавий қарор экан, у барча суд жараёни иштирокчиларига қонунларнинг бир хил қўлланиши учун восита бўлади.

Биз мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янги босқичга олиб чиқмоқчи бўлсак, суд прецедентини тезроқ амалда қўллашимиз лозим. Бунинг вақти келди.

Шу билан бирга, жабрланувчининг илтимосига асосан **жиноят ишини кўзгатмасдан ҳам ярашиш имкониятини бериш** чораларини кўрамиз. Бу билан узоқ давом этиши мумкин бўлган жиноят процессининг олдини олишга эришамиз.

Жиноят содир қилган шахслар келгусида тузалиш йўлига ўтиши учун муқобил жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари кенгайтирилиши жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодий жиноятлар бўйича **гаров эҳтиёт чорасидан кенг фойдаланиш** имконияти яратилади. Бу масалада айбланувчи ёки ҳимоячи томонидан

судларга эҳтиёт чорасини ўзгартириш ҳақида муурожаат қилиш имкониятлари кенгайтирилади.

Ички ишлар ва миллий гвардия органлари ходимларининг фуқаролар билан **мулоқот қилиш стандартларини** жорий этиш орқали уларни халқ кўз ўнгига том маънода ҳимоячига айлантирамиз.

Барча соҳада шахсга доир маълумотлар билан ишлаш талабларини кучайтирамиз. Бундан қўзланган пировард мақсадимиз фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаш, мулки ва маблағларини фарибгарлар, айниқса, тобора бўй кўрсаттаётган кибержиноятчилардан ҳимоя қилишдир.

Яна бир жиддий вазифа, Адвокат-

лар палатасининг адвокатларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятини тақомиллаштиришдан иборат. **Адвокатлар рейтингини жорий қилиш** орқали адвокатлик тизимида рақобат муҳити ривожлантирилади, салоҳиятли адвокатлар кўпаяди.

Умуман олганда, O'zLiDeP баъзи партиялардан фарқли равишда адвокатура тизимини тақомиллаштириш бўйича аник тақлифларни илгари сурумқда. Мисол учун, “Адолат” социал-демократик партияси “адвокатура институтини янада тақомиллаштириш” каби умумий тақлифлар атрофида айланиб юрган вақтда партиямиз ўз аънаъаларига содиқ қолган ҳолда барча соҳа сингари адвокатура соҳасида ҳам тизимли ва аник тақлифлар билан сиёсий майдонга чикмоқда.

Партиямиз бизнес юриштишга халақит бераётган қатор нормаларни қайта кўриб чиқиш тақлифини илгари суради. Улар қуйидагилардан иборат:

■ тадбиркорнинг манзили, банк ревазитлари ўзгаргани ёки қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаганлик учун белгиланган маъмурий жавобгарлиқни бекор қилиш;

■ тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларидаги амалиётларни тўхтатиб туришга фақат суд тартибидида рухсат беришни қонун даражасида белгилаш;

■ назорат қилувчи органлар зиммасига текширув ўтказилиши ҳақида Савдо-саноат палатасини камида 10 иш кунин олдин хабардор қилиш мажбурияти йқланишини қонунда белгилаш;

■ солиқ интизомининг бузилиши билан боғлиқ маъмурий жарима миқдорини ҳуқуқбузарлик келтириб чиқарган иқтисодий оқибат таъсирини инобатга олиб табақалаштириш;

■ тадбиркорлик субъектларининг ўзларига қўрсатилган хизматлар, жумладан, берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидидаги шартнома мажбуриятларини асосли бизнес таваккалчиликла-

ри туфайли бажармагани уларни жиний жавобгарликка тортиш учун асос бўлмаслигини қонунчиликда белгилаш.

Партиямиз олдидида турган долзарб вазифалардан ана бири, бу очиклик сиёсатини изчил давом эттириш ва халқ билан мулоқотни янада кенгайтиришдан иборат. Бу борада оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқларини қатъий кафолатлаймиз. Сўз эркинлигини бўғувчи ҳар қандай уринишларга қарши туриб, мустақил нодавлат матбуот тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаймиз.

Партия коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ муҳим ташаббусларни ҳам илгари суради. Яъни коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттирамиз. Коррупцияга қарши курашишда давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича чоралар кўрамиз. **Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган Миллий стратегияни** қабул қиламиз.

Қисқача айтганда, O'zLiDeP Сайловолди дастури янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда белгиланган инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормаларнинг 3 баробарга кўпайганини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Партиямиз халқ хизматидаги давлатни барпо этишни янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили сифатида кўраётган сиёсий кучдир.

Аҳолига қулай атроф-муҳит шароитларини яратамиз

Конституциямизда Ўзбекистон экологик тараққиёт стратегиясининг асосий қондалари, бунга доир талаблари белгиланган бўлиб, ушбу сиёсий ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича энг муҳим ва асосий қондаларни белгиллаб беради. Кучли давлат бошқарувисиз экологик мувозанатни барқарор сақлаб туриш амримаҳол. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада комплекс қура-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мамлакат миқёсида **“Яшил макон”** умумимиллий лойиҳаси доирасида юртимизда **1 миллиард туپ кўчат** экилиб, Орол денгизининг қуриган тубида **2 миллион гектар** майдонда ўрмонлар барпо этилди.

Мамлакатимизда кейинги олти йилда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар 700 минг гектардан ошди. Ўзбекистонда **“яшил” иқтисодиётга** ўтиш бўйича ҳам муҳим қадамлар ташланди.

Ушбу бошланган ислохотларни O'zLiDeP тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда келгуси беш йилликда Ўзбекистонда **экологик барқарорлик ва аҳоли саломатлигини таъминлашга** қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурумқда. Партиямизнинг нуктаи назарига, халқаро тажрибадан фойдаланиш орқали юртимизда ҳаво сифати бўйича илғор стандартлар ва технологияларни жорий этиш кечиктириб бўлмайдиган масаладир.

Аҳолига қулай атроф-муҳит шароит-

O‘zLiDeP VA УНИНГ ДЕПУТАТЛИККА КўРСАТГАН НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Дилором ФАЙЗИЕВА,
Дилмурод АРТИКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар.

Махтумқули ўзбекнинг ҳам шоири

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик ҳамда яхши кўшничлик муносабатлари тарихида янги босқич бошланган бугунги кунда Махтумқули Фирогийнинг ўлмас бадийи мероси биз учун ҳам кадрли. Бухоронинг Кўкалдош, Хиванинг Шерғозихон мадрасаларида тахсил олган шоир ва мутафаккиринг Алишер Навоийдек буюк сўз санъаткорини ўзига устоз деб билгани халқларимиз ўртасидаги чинакам дўстликнинг ажойиб намунасидир. Махтумқули ўз шеърларининг бирида Алишер Навоийнинг “Чордево”ни ҳақида тўлқинланиб ёзади. Шоирнинг бу эътирофиди асос бор, албатта. Алишер Навоий туркман халқи тарихи, маданиятини яхши билган. Унинг бевосита Марв, Сарахс, Аливерд каби туркман манзилларида бўлгани ҳақида маълумотлар сақланган.

Бугина эмас, ҳазрат Навоий ўз замонида Марвада “Хосравия” номи билан мадраса қурдириб, бу ерда талабаларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб турган. Буюк мутафаккир “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат” каби асарларида туркман мавзеларидан бўлган ёки шу ерлардан Хуросонга келиб ижод қилаётган қатор туркман сўз усталарини қаламга олади, уларга ҳурмат билдиради. Жумладан, улардан Рухий Ёзирийни “табъи ҳуб ва сулуки марғуб киши эрди”, деб таъриф этади. Алишер Навоий асарлари ўзбек ва туркман адабий алоқаларининг тараққий этиб боришига катта ижобий таъсир кўрсатди. Туркман адабиёти тарихчилари Андалиб, Шайдоний, Foiбийи, Шукрий ва Озодий каби шоирларнинг Алишер Навоий аънааларини ижодий давом эттиришда муваффақиятга эришганликларини ёзади. Махтумқули Алишер Навоийнинг лирика соҳасидаги аънааларидан кўп баҳраманд бўлди. Устознинг газал ва мухаммаслари услубида манзур асарлар яратди.

Махтумқули Хивада жуда кўп

устоз ва маслакдошлар, дўст-ёр ва мухлислар орттирган. Бу ерда кечирган йилларини миннатдорлик билан эслаб, гўзал шеърлар битганини ўзбек китобхонлари яхши билади. У нафақат туркий халқлар, айна пайтда жаҳон адабиёти ва маданияти тарихида алоҳида ўрин эгаллаган атоқли шоир ва мутафаккирдир. Ҳассос сўз санъаткорининг чуқур гуманизм билан сўғорилган асарлари мард ва матонатли, меҳнаткаш туркман халқининг эзгу қадриятлари ва олийжаноб фазилатларини тараннум этиши, ҳамиша халқ билан ҳамдард бўлишга, турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро аҳилик ва ҳамжиҳат-

инсоният маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилиб келаётганидан далолат беради. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон дунёда Махтумқули асарлари энг кўп нашр қилинадиган ва ўқиладиган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилишини бежиз таъкидламади. Юртимизда мумтоз шоирнинг шеърлари ва улар асосида яратилган кўшиқлар кириб бормаган бирор-бир хонадон, унинг номини билмайдиган бирор-бир ўзбек топилмади. Махтумқули асарлар мобайнида халқимизнинг ўз шoirига айланган. Бу ҳақиқатни таъкидлаш туркман адаби Ораз Яғмур ўзининг “Махтумқулинома” роман



лиши ва унинг шарафига ёдгорлик ўрнатилиши, Хивада барпо этилган Махтумқули ёдгорлик мажмуаси, жорий йил февраль ойда Ўзбекистон Президентининг мамлакатимизда шоир таваллудининг 300 йиллигини муносиват билан нишонлаш тўғрисидаги қарори қабул қилиниши ўзбек халқининг туркман шоирига, унинг шахсида эса қардош туркман халқиға ҳурмат-эҳтиромининг ёрқин ифодаси бўлди.

Хужжат асосида Махтумқули Фирогийнинг “Танланган асарлари”ни ҳамда унинг ҳаёти ва ижодида бағишланган илмий мақолалар тўпламининг нашр этилиши, ҳаёти ва ижоди ҳақида спектрли саҳналаштирилиши, Ўзбекистон ва Туркманистон кино усталири ҳамкорлигида Махтумқули Фирогийга бағишланган бадий фильм яратилиши маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиқни янги босқичга кўтарди.

Тан олиш керакки, Туркманистонда ҳам қардош халқларнинг тарихий ва теран гуманиитар алоқаларини мустаҳкамлаш, дўстлик, яхши кўшничлик ва бир-бирини тушуниш муҳитини янада яхшилашга қаратилган турли тадбирлар: маданият ва кино кунлари, фестиваллар ўтказиб келинмоқда. Ашхобод шаҳрида “Замон ва цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлиги — тинчлик ва тараққиёт асоси” мавзисида ўтган халқаро форум Туркманистон раҳбарияти адабиёт ва маърифатни давлат сиёсати даражасига кўтариб, уни халқаро муносабатларда тинчликпарвар ва дўстона мулоқот воситасига ай-

лантираётганини намойиш этади.

Давлатимиз раҳбари халқаро анжуманда таъкидлаганидек, “Улуғ гуманист шоирнинг ўлмас адабий мероси асрлар давомида умуминсоний қадриятлар билан уйғун бўлиб, тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат ва қардошлик каби олийжаноб фазилатларни улуғлаб келмоқда... Шу маънода, кимки туркман халқининг қалбини, юрагини англамоқчи бўлса, туркман элига хос азму шижоат, дўстга садоқат каби юксак фазилатлар манбаини билмоқчи бўлса, албатта Махтумқули шеъриятидан баҳраманд бўлиши керак”.

Президентимиз эътироф этганидек, Махтумқули асарларининг мавзулари, жанрий хусусиятлари, шаклий ўзига хослиги, асарлари тилининг низоҳатда халқчилиги билан кўп асрлик туркман адабиётини янги босқичга кўтарди.

Шоир асарларининг яна бир етакчи гоёси туркман ерлари устига ёпирилиб турадиган чет эл босқинларига барҳам бериш, тарқоқ яшаётган, ўзаро нифоқ ва зиддиятлардан зада бўлган қабилаларда уруғларни бириктириш билан оқсоийшталлик ва иттифоқликка асосланган қудратли бир давлатни барпо этишдек миллий ватанпарварлик туйғусидан иборат. Ана шу миллат манфаатлари йўлида қайғуриш, маърифатпарварлик билан бу гоёни самарали кунга айлантириш шоир ижодининг асосига айланган. Бу йўлдаги изланиш шеърят кучи билан юксак уфқларга талпиниш Махтумқулини ўз даврининг кўзга кўринган тараққийпарвар сиймоси даражасига кўтарди. Шу жиҳатлари билан ҳам Махтумқули биз учун қадрли. Зеро, унинг ижоди глобал миқёсда қарама-қаршилиқлар, давлатларнинг суверенитетига таҳдид кучаяётган таҳликали даврда кўшни халқларни, миллатларни бириктиришга даъват этади.

Муҳиддин КАЛОНОВ,
Навоий давлат педагогика институтини ректори, профессор.

ИСЛОМ — ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК ДИНИ

Тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, жамиятда ҳар томонлама юксалиш бўй кўрсатади. Мамлакат тараққиёти, фаровонлиги, юрт аҳлининг турмуши ободлиги оқсоийшталлик тўғрисида.

Халқаро анжуман

Шу нуқтаи назардан айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 15-16 октябрь кунлари Тошкент ва Хива шаҳрларида ўтказилаётган “Ислом — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусидаги нуфузли халқаро конференция нафақат юртимизда, балки дунёда тинчлик ва барқарорликнинг аҳамиятини тарғиб қилишда муҳимдир.

Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев 2023 йил 19 сентябрда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқида буюк олимларнинг бой меросини ўрганиш, исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида 2024 йил Ўзбекистонда “Ислом — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурган эди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу эзгу ташаббуси халқаро ҳамжамият томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Мазкур халқаро конференцияда Саудия Арабистони, Миср, Туркия, Йордания, Ўмон, Россия, АҚШ, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Ҳиндистон ва Покистон каби дунёнинг 22 мамлакатидан 70 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, дин арбоблари, муфтийлар ва таълиқли уламолар қатнашаётгани бунинг ёрқин ифодаси.

Конференцияда бугунги таҳликали ва мураккаб даврда тинчликпарвар ислом динининг бағрикенгликка йўғрилган таълимоти-ни ўрганиш, ўзаро таъриба алмашиш, мавжуд ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалалари батафсил муҳокама қилинади. Шунингдек, анжуман Ўзбекистоннинг бағрикенглик ва ҳамжиҳатликка асосланган намунавий сиёсатини жаҳонга танитиш йўли ҳамдир.

Таъкидлаш жоизки, дунёнинг турли минтақа ва давлатларида инсоннинг яшаши, таълим олиши, меҳнат қилиши ва иқтисодини намойиш этиши каби ҳаётини ва табиий ҳақ-ҳуқуқлари турли даражада поймол қилинаётган бир даврда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бағрикенглик тамойили асосида тинч-тотув яшамоқда. Халқаро конферен-



ция ислом динининг тинчликпарвар, маърифатга йўғрилган гоёлари хусусида мамлакатимиз ва хорижий олимлар, экспертлар, уламоларнинг ўзаро фикр юритиши учун қўлай мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда фуқаролар диний эркинлигини таъминлаш, бағрикенглик, ислом маърифий гоёсини тарғиб этиш борасида кенг қўламини ислохотлар амалга оширилмоқда. Эътиборли жиҳати, юртимизда янги масжидлар, улуғ аждодларимиз номи билан аталаётган мажмуалар қад ростламоқда, диний таълим муассасалари очилляпти. Соҳада халқаро ҳамкорлик тобора ривожланиб, чет эллик ханонлиқ уламолар дёримизга тез-тез ташриф буюрмоқда, нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқалар мустаҳкамлянапти. Буларнинг барчаси юртдошларимизга чекизи қувонч ва ўзгача гурур бағишлайди.

Ислом дини айрим ёвз мақсадли қимсалар зўр бериб айтаётганидек, жаҳолат тарқатадиган дин эмас, аксинча, ўз моҳиятига кўра, ҳақиқат, эзгулик, адолат, хайрихоҳлик ва бағрикенглик дини. Чин маънода унинг дунёда ёйилиши инсониятга адолат, хавфсизлик ва оқсоийшталлиқни инъом қилиб, уни жаҳолат, адолатсизлик, тартибсизлик ва урушлар зулматидан сақлайди.

Ислом дини тинчлиқни тарғиб қилиши ҳақида Президентимиз Шавкат Мирзиёев қўллаб халқаро минбарларда ўз фикр ва ташаббусларини билдирган. Улардан келиб чиқиб, БМТ 2017 йил 21 декабрь кунини “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилди. Мазкур хужжатда терроризм, зўравонлик, экстремизм ҳеч

бир дин, миллат ва цивилизация билан алоқадор эмаслиги ва у билан боғлиқ ҳолда талқин қилинмаслиги лозимлиги белгилаб қўйилди.

Ислом инсоният бахтли бўлишига хизмат қилади. Бу олий мақсадни амалга ошириш учун тарғибот, тушунтириш, далилни асослаш йўлларига таянади. Динимизда мажбурият ва бўйсундириш йўқ, Ислом дини инсониятнинг тинчликка, омонликка, бағрикенгликка, дўстлик ва ҳамжиҳатликка, бунёдкорликка, илм-маърифатга даъват этади. Шунинг учун ҳам юртимиздан етишиб чиққан алломалар ўз асарларида инсониятнинг эзгуликка, яхши амалларга қорловчи мисраларни баён этган ва бунга умри давомида амал қилиб яшаган.

Ислом сўзининг маъноларидан бири ҳам тинчликдир. Муқаддас динимизда хотиржамлик инсон қалбидан бошлангани таъкидланади. Қалбдаги оқсоийшталлик оилага кўчади. Ислом оила тинчлиги учун зарур бўлган барча қорани ишга солади. Оиладаги тинчлик қариндош-уруғ, қўни-қўшинлар орасига, сўнгра жамиятга кўчади. Давлат миқёсидаги тинч яшашга эса жамият тинч бўлгандагина эришилади.

Муқаддас динимиз нафақат мусулмонлар, балки бутун инсоният ва ҳатто барча мавжудотни раҳм-шафқатли ва меҳрибон бўлишга чақиради. Одамларни эзгуликка чақаришда фақат тинчлик ва фаровонлик муҳити бўлгандагина муваффақиятга эришилади. Зеро, тинчлик ислом мақсадлари ва манфаатларининг энг юқори поғонасида туради.

Инсониятнинг тинчлиқка эҳтиёжи сув ва ҳавога бўлган муҳтожлиги қабиридир. Шунинг учун Қуръон қаримда тинчликнинг ҳаётий зарурлиги ҳақида бир неча оятлар келган.

Тинчлик Аллоҳ таолонинг бандаларига неъмат ва марҳаматидир. Кейинги йил-

ларда ҳам давлатимиз раҳбари томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Бунда, асосан, юртимиздан етишиб чиққан алломалар илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишга уруғ берилди.

Бугунги вазият ҳар биримиздан доимо ҳушёрлик ва огоҳлиқни, ёшлар тарбиясига масъулият билан ёндашишни, уларнинг билими ва саводхонлигини тинмай ошириб боришни, шу йўл билан жаҳолатга маърифатни қарши қўйиб, улар қалбини четдан бўлаётган барча хуруждан қатъий ҳимоя қилишни талаб этади. Бу борада ҳамма бирдек ҳаракатда бўлиши, огоҳ туриши, юртимиз тинчлиги, барқарорлиги учун ўзаро ҳамкорлик қилиши даркор.

Лоқайдлик, бепарволикка берилган ёки ўзим омон қолсам бўлди, каби нотўғри фикрда юрган қимсалар бунинг оқибати нимага олиб келиши тўғрисидаги қўйдаги ҳадиси шарифни ўрганиши кифоя:

“Нўъмон ибн Башир розиллоҳу анҳундан, у киши Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қиладилар: “Аллоҳнинг ҳадди — чегарасида турганлар ва ундан чиққанларнинг мисоли ҳудди бир кемадан қуръа орқали жой олган кишиларга ўхшайди. Уларнинг баъзиси кеманинг юқорисидан, баъзиси пастидан қўй олдилар. Пастдагилар сувга ҳоҳатлари тушса, юқоридогиларнинг олди-дан ўтар эдилар. Улар: “Юқоридогиларга озор бермаслигимиз учун ўз улушимиздан бир жойини тешиб олсак, қандоқ бўларкан”, дедилар. Агар уларни истаклари ила қўйиб қўйсалар, ҳаммалари ҳалок бўлуларлар. Агар уларнинг қўлларидан тўтсалар, улар ҳам, бошқалар ҳам — ҳаммалари наҳот топулар” (Имом Бухорий ривоят қилган).

Жамиятда бир иллатнинг олдини олган, уни кўрганда қарши курашган биргина инсон, бутун бир миллатни кўтқарган бўлади.

Иброҳимжон ИНОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси масъул ходими.

Bir qavatli uylarni tayyor holda topshirish shartlarida qurish bo'yicha investor yoki qurilish tashkilotlarini aniqlash maqsadida tanlov savdolari o'tkaziladi

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 8-fevraldagi "Ichki ishlar organlari xodimlarini ijtimoiy himoya qilish tizimini yanada yaxshilash chora-tadbirlari to'g'risida"gi hamda Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 11-oktabrdagi "Ichki ishlar organlari xodimlari va harbiy xizmatchilarining turarjoy-maishiy sharoitlarini yaxshilash chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorlari qabul qilingan.

Mazkur qarorlarga muvofiq O'zbekiston Respublikasi IV huzuridagi Jazoni iro etish departamenti Toshkent viloyati, Zangiota tumani, Bog'zor qo'rg'onida joylashgan bo'sh yer maydoniga jazoni iro etish muassasalarida xizmat olib borayotgan xodimlari uchun ko'p qavatli uylarni tayyor holda topshirish shartlarida qurish bo'yicha investor yoki qurilish tashkilotlarini aniqlash maqsadida tanlov savdolarini o'tkazish rejalashtirilgan.

Mazkur tanlov savdolarida qatnashish istagini bildirgan investor yoki qurilish tashkilotlari tomonidan quyidagi hujjatlarni taqdim etish talab qilinadi:

- Investor yoki qurilish tashkilotining Nizomi va guvohnomasi;
- Investor yoki qurilish tashkilotining faoliyati haqida ma'lumot (5 yildan ortiq ishlagan bo'lishi kerak);
- Xizmat ko'rsatuvchi bank tomonidan investor yoki qurilish tashkiloti to'g'risida ma'lumotnoma;
- Soliq inspeksiyasi tomonidan investor yoki qurilish tashkiloti to'g'risida ma'lumotnoma;
- Investor yoki qurilish tashkilotining moddiy-texnika bazasi to'g'risida ma'lumot;
- Qurilish rejalashtirilgan hududga ko'p qavatli uylar loyiha taklifi (bosh reja, fasad, qavatlar rejasi, 3D ko'rinishda);
- Qurilish ishlarini olib borish, qurilish muddatlari va qurilish shartlari ko'rsatilgan tanlov rejasi (tasdiqlangan ko'rinishda);
- Qurilgan uylarning eng kamida 50 foizini Jazoni iro etish departamenti va tizimidagi xodimlar uchun imtiyozli arzonlashtirilgan narxlarda sotish bo'yicha hisoboti (tijorat taklifi);
- Loyihalananayotgan ko'p qavatli turarjoy binosiga qo'shimcha ravishda avtomobillar turarjoyi, salomatlik yo'lagi, bolalar maydonchasi hamda vorkaut sport maydonchalari bo'lishi shart;
- Qurilish rejalashtirilayotgan ko'p qavatli uylar uchun alohida isitish va elektr tizimi bo'lishi, qurilayotgan ko'p kvartirali uylarning elektr energiya, ichimlik suvi, tabiiy gaz, oqova suvlari, aloqa kabellari hamda boshqa tashqi kommunikatsiya tarmoqlari bo'yicha joyiga chiqib o'rgangan holda aniq takliflar kiritish.

Shu jumladan, ma'lumot uchun:

- Qurilish rejalashtirilayotgan ko'p qavatli uylar bo'yicha investor yoki qurilish tashkilotlari loyiha va loyihaoldi hujjatlarini tayyorlash (loyiha-smeta, geologiya o'rganish, toposyomka va qurilish ishlariga ruxsat olish) ishlari uchun xarajatlar investor yoki qurilish tashkilotlari mablag'larini hisobidan moliyalashtiriladi.
- Mazkur qurilish obyektida Jazoni iro etish departamenti uchun 100 o'rinni mehmonxona va 500 o'rinni bolalar bog'chasi qurilishini inobatga olish, shuningdek, ushbu obyektlarning kelgusida foydalanish uchun Jazoni iro etish departamenti yoki muassasalari balansiga topshirilishi bo'yicha takliflarni tijorat taklifida qayd etish lozim.
- O'zbekiston Respublikasi IV huzuridagi Jazoni iro etish departamentiga tegishli bo'lgan Toshkent viloyati, Zangiota tumani, Bog'zor qo'rg'onida qurilish umumiy maydoni **26 000 m² (2,6 ga)** bo'lgan bo'sh yer maydoniga bir qator binolar qurilishi (2,6 gektar yer maydoniga ko'p qavatli uylar, 100 o'rinni mehmonxona hamda 500 o'rinni maktabgacha ta'lim muassasasi qurish bo'yicha) rejalashtirilgan.
- Ushbu qurilish rejalashtirilgan yer maydonining joylashuv manzili; Toshkent viloyati, Zangiota tumani, Bog'zor qo'rg'onidagi bo'sh yer maydoni hamda geolokatsiya (ko'p qavatli uylar va mehmonxona joylashuv joyi **41°11'23"N 69°11'07"E** hamda 500 o'rinni maktabgacha ta'lim muassasasini qurish joyi **41°11'09"N 69°10'57"E**).
- Mazkur shartlar bo'yicha hamkorlik qilish istagida bo'lgan investor yoki qurilish tashkilotlari **2024-yilning 10-noyabr kuniga qadar** o'z takliflarini yopiq paketda muhrlangan holda quyidagi manzilga kiritishlari mumkin:

O'zbekiston Respublikasi IV huzuridagi Jazoni iro etish departamenti, Toshkent viloyati, Zangiota tumani, "Bog'zor" MFY, Qorasuv ko'chasi, 32-uy, telefonlar: 71-231-54-95, 94-955-11-17.

Oйбек уй-музейи жамоаси Ўзбекистон Миллий университети профессори, кимё фанлари доктори
Ойниса МИРЗАЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

153N 6010-678A

71259745001

Тахририятта келган қўлашмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — 3. Худойшукров.

Мусахҳих — С. Силомов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.49

Топширилди — 00.10

1 2 3 4 5 6